

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларнинг навбатдаги
умумий йиғилишининг
24 - сонли баёнидан кўчирма**

2016 йил 23 июнь

Тошкент ш.
Истиклол кўчаси, 9 уй

“Ипотека-банк” АТИБ Меҳнат филиали биносининг мажлислар залида соат 10⁰⁰ бошланди.

**Мажлиса
қатнашганлар:**

Банк Кузатув кенгаши аъзолари:	А.А. Камалов	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия бозори ва давлат активлари бўйича даромадлар келиб тушишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
	А.А. Абдухамидов	Ўзбекистон Давлат рақобат қўмитаси, бошқарма бошлиғи
	Й.Х. Шакиров	“UzGazOil” МЧЖ директорининг биринчи ўринбосари
	Ғ.З. Наджимов	“UzGazOil” МЧЖ Юридик бўлим бошлиғи
	Л.Г. Зубрилова	“UzGazOil” МЧЖ бош бухгалтери
	И.Л. Бутиков	Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори

Банк Бошқаруви

**Банкнинг таркибий
бўлинмалари
раҳбарлари**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга 295'933'948'200 дона акциялардан 219'932'971'640 дона овозга эгалик қилувчи 29 та акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари ҳамда овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган имтиёзли акцияга эгалик қилувчи акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашди.

Йиғилиш кворуми – 74,32%

Йиғилишни банк Кузатув кенгаши аъзоси А.А. Камалов очди ва Йиғилишга раислик қилди.

Йиғилиш раиси қонунчиликка асосан акциядорлик жамиятлари йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказишлари лозимлиги ва шунга асосан, “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши банкнинг 2016 йилдаги фаолияти якунлари бўйича 2017 йил 29 май куни ўз муҳокамасини ўтказганлигини ва банк акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини 2017 йил 23 июнь куни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлигини айтиб ўтди.

Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор этиш мақсадида, 2017 йил 15 июнь куни банкнинг корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида эълон жойлаштирилганлиги, амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилишни чақириш санасига (2017 йил 29 май) Марказий депозитарийда шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида акциядорлар электрон манзилларига хабарномалар электрон кўринишда юборилганлиги айтиб ўтилди.

Президиум қўйидаги таркибда сайланди: А.А. Камалов, А.А. Абдухамидов, Й.Х. Шакиров, Ғ.З. Наджимов, Л.Г. Зубрилова, И.Л. Бутиков, С.У. Закиров.

Қўйидаги номзодлар очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш котибаси:	Юлдашева Шоира Сурабовна
Санок комиссияси раиси:	Абдукадыров Дилшод Мирзаитович
Санок комиссияси аъзолари:	Ширғалиева Азиза Кадыржановна Турсунова Шахноза Мирмахмутовна

Санок комиссияси ўз маълумотида 2017 йил 23 июнь куни Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 9 уй манзилида, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларни рўйхатга олиш соат 9⁰⁰ да бошланганлигини ва соат 9⁵⁵ да рўйхатдан ўтказиш тўхтатилганлигини айтиб ўтди. “Ипотека-банк” АТИБ бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами 219’932’971’640 та овозга эга бўлган жами 29 та акциядор ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашаётганлигини ва йиғилиш кворуми 74,32%ни ташкил этганлигини, ҳамда йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси йиғилиш регламенти акциядорларга берилган тарқатма материалларда мавжудлигини айтиб ўтиб, қаршиликлар бўлмаса шу кўринишда тасдиқлашни таклиф этди. Йиғилиш регламенти акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишни самарали ўтказиш, маърузачи ва акциядорларнинг фикри бўлинмаслиги учун савол ва жавоблар, музокараларга барча масалалар кўрилгандан сўнг, йиғилиш якунида вақт ажратилиши тўғрисидаги Йиғилиш раисининг таклифи акциядорлар томонидан маъқулланди.

Йиғилиш раиси йиғилиш кун тартибидаги масалаларни акциядорлар томонидан тасдиқланиши учун ўқиб эшиттирди.

Кун тартиби:

11. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Кун тартибидаги ўн биринчи - “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасида жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлилиги белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига сайланиш бўйича қуйидаги акциядорлардан мурожаатлар келиб тушган:

Банк устав капиталининг 21,32 фоизига эгалик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 январдаги ММ/08-02-36-13/25-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига Молия вазири Б.А. Хўжаев, Молия вазири ўринбосари Д.Н. Саттаров, Марказий банк Раисининг ўринбосари Ш.Ш. Шоахмедов номзодларини ва Тафтиш комиссияси таркибига Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Х. Кушаев номзодини сайлашга киритиш сўралган. Ушбу акциядор 2017 йил 18 майдаги ММ/08-02-36-13/116-сонли хат билан мурожаат қилиб, Марказий банкнинг 2017 йил 26 апрелдаги 43-16/198-сонли хати асосида банк Кузатув кенгаши таркибига сайланишга аввал кўрсатган Марказий банк раиси ўринбосари Ш.Шоахмедов номзодини Марказий банк раиси ўринбосари Ш.Хаджидаев номзодига ўзгартириш ҳамда Молия вазирлигининг Молия бозори ва давлат активлари бўйича даромадлар келиб тушишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Камалов номзодини банк Кузатув кенгаши таркибига сайланишга киритишни сўраган;

Банк устав капиталининг 5,29 фоизига эгалик қилувчи “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” АЖ томонидан 2017 йил 20 январдаги УК-526-сонли ва 2017 йил 23 январдаги АФ-568-сонли хатлари берилган. Уларда банк Кузатув кенгашига комбинатнинг иқтисодий ва молия масалалари бўйича директори У.Д. Каримов номзодини ва Тафтиш комиссияси таркибига корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи А.С. Саматов номзодини сайлашга киритиш сўралган;

Банк устав капиталининг 6,63 фоизига эгалик қилувчи “O'zbekiston temir yo'li” АЖ томонидан 2017 йил 16 январдаги Н-7/4-17-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига жамиятнинг молия бошқармаси бошлиғи Н.Э. Бабахалов номзодини сайлашга киритиш сўралган;

Банк устав капиталининг 25 фоизига эгалик қилувчи “UzGazOil” МЧЖ томонидан 2017 йил 23 январдаги 0127/07-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига “UzGazOil” МЧЖ директори Б.Т. Тураев, директор биринчи ўринбосари Й.Х. Шакиров, Юридик бўлим бошлиғи Ғ.З.Наджимов ва бош бухгалтер Л.Г.Зубрилова, Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи А.А. Абдухамидов номзодларини ва Тафтиш комиссияси таркибига Ф.Г. Исраилов номзодини сайлашга киритиш сўралган;

Банк устав капиталининг 2,74 фоизига эгалик қилувчи “O’zagrosug’urta” АЖ томонидан 2017 йил 25 январдаги 12-10/215-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига “O’zagrosug’urta” АЖ Бошқаруви раиси Ф.Ф. Каримов номзодини киритиш сўралган;

Банк устав капиталининг 1,27 фоизига эгалик қилувчи “Кафолат суғурта компанияси” АЖ томонидан 2017 йил 26 январдаги 04-19/222-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига компания Бошқаруви раиси С.С. Насретдинов номзодини сайлашга киритиш сўралган;

Банк устав капиталининг 6,86 фоизига эгалик қилувчи “O’ztransgaz” АК томонидан 2017 йил 31 январдаги 02-01-15-41/549-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига “O’ztransgaz” АК Бошқаруви раиси Э.Р. Шаисматов ва Бошқаруви раисининг ўринбосари У.М. Ашуров номзодларини сайлашга киритиш сўралган;

Банк устав капиталининг 1,33 фоизига эгалик қилувчи “O’zbekinvest Nayot” МЧЖ СК томонидан 2017 йил 27 мартдаги 608-сонли хат берилган. Унда банк Кузатув кенгашига банкнинг миноритар акциядорлари вакили, Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва корпоратив бошқарув муаммоларини тадқиқ қилиш Маркази директори И.Л. Бутиков номзодини сайлашга киритиш сўралган.

Банк Кузатув кенгаши мазкур барча мурожаатларни кўриб чиқиб, банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш бўйича қарор қабул қилган.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича берилган овозлар:

№	Ф.И.О.	Лавозими	Овоз бериш натижалари
			(овозлар сони)
1	Хўжаев Ботир Асадиллаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири	247’763’069’849
2	Саттаров Дилшод Нематович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари	219’160’687’729
3	Камалов Аюбхон Арибджанович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Молия бозори ва давлат активлари бўйича даромадлар келиб тушишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари	220’036’051’981
4	Хаджизадаев Шерзод Рафатович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Раиси ўринбосари	205’643’678’577
5	Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия, хусусийлаштириш ва бошқа манбалардан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш бошқармаси	256’539’051’054

		бошлиғи	
6	Тураев Ботиржон Толибович	“UzGazOil” МЧЖ директори	13’517’814’354
7	Шакиров Йўлчи Хакимович	“UzGazOil” МЧЖ директорининг биринчи ўринбосари	0
8	Наджимов Ғиёсиддин Зиявутдинович	“UzGazOil” МЧЖ Юридик бўлим бошлиғи	2’023’065’000
9	Зубрилова Лариса Геннадиевна	“UzGazOil” МЧЖ Бош бухгалтери	13’517’009’154
10	Бутиков Игорь Леонидович	Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори	270’938’643’078
11	Шоисматов Эргаш Рахматуллаевич	“Ўзтрансгаз” АК Бошқаруви раиси	14’337’287’154
12	Ашуров Улуғбек Муродиллоевич	“Ўзтрансгаз” АК Бошқаруви раиси ўринбосари	13’517’943’186
13	Бабахалов Нарбута Эшназарович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молия бошқармаси бошлиғи	194’829’553’710
14	Каримов Ўқтам Дехқонбоевич	“Олмалик КМК” АЖ иқтисод ва молия масалалари бўйича директор	144’681’564’852
15	Насреддинов Саидолим Саидкамалович	“Kafolat sug’urta kompaniyasi” АЖ Бошқарув раиси	83’515’311’138
16	Каримов Фарҳод Фатхуллаевич	“Ўзагросуғурта” СК Бошқаруви раиси	77’396’296’886

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб,
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши

Қарор қилди:

11. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига Б.А. Хўжаев,
Д.Н. Саттаров, А.А. Камалов, Ш.Р. Хаджижадаев, А.А. Абдухамидов, И.Л. Бутиков,
Н.Э. Бабахалов, Ў.Д. Каримов, С.С. Насретдинов сайлансин. Уларнинг
сайланганлиги муносабати билан Ш.Ш. Шоахмедов, Б.Т. Тураев, Й.Х. Шакиров,
Л.Г. Зубрилова, Ғ.З. Наджимов банк Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

Йиғилиш котибаси

(имзо)

Ш.С. Юлдашева

Ушбу баён 2017 йил 30 июнда тузилди.